



Ингилизлар хакида... асосан учта катта масалага тўхтаб ўтиш билан яхудийларга қандай ёрдам берганини билиб олсак бўлади:

1. Сайкс ва Пикко келишуви.
2. Балфур декларацияси.
3. Сует канали.

- Биринчи: Усманийлар заифлашгани сабаб «Биринчи Жаҳон» уруш давридаёқ Франция ва Британия 1915 йилларда Араб диёрлари ва Турк ерларини махфий келишув асосида тақсимлаб олиш учун тил бириктира бошлади. Усманийлар империясини парчалаш режасига кейинчалик Руслар, кейин Италия ҳам қўшилади. Бу келишувда келишувни олиб бораётган дипломатлар - ингилизлардан Марк Сайкс ва франсузлардан Франсува Жорж Пико фаолиятлари катта рол ўйнагани учун; келишув ҳам «Сайкс ва Пикко келишуви», деб ном олган, санаси 1916 й. май ойида.

Кискаси унда Усманийлар бошқарувидаги ислом ерлари ушбу битимдаги давлатларга тўғридан-тўғри ёки уларнинг бошқаруви остида ўтиши режалаштирилган эди:

Франсузлар: Хозирги Туркия жумҳуриятининг жанубий шарқий минтақалари, Сурия, Ливан ва Ироқнинг шимол тарафига эгаллик қилиши керак эди.

Ингилизлар: Хозирги Ироқнинг жанубий ва марказий минтақалари ва Фаластин ерларига.

Колаверса бу икки давлат мазкур ерларга яъни эски Месопотамия ҳудудига эга бўлгандан кейин Британия ва Франция ҳамкорликда ҳамда уларнинг бошқаруви остида бўладиган «Араб Кироллиги» қурулиши режа қилинган эди. Келишувда руслар ҳам бошқарувда шерик бўлиши айtilган эди.

- Мисрдаги ингилизлар етакчиси Артур Генрий Мак. Магон билан Макка Шарифи Хусайин ибн Али орасидаги кўпгина хатлашмалар бунга далилдир, ундан ташқари Арабистонлик Ловренсинг мунофиқларча стратегик ҳаракатлари ҳам катта далилдир, масалан у айтади: «Бизга Хусайиннинг турган ўрни фойдалироқ, у бизнинг яқиндаги

максадимиз: «ислом бирлигини парчалаш ва Усманийлар империясини йикитишга» етишиш учун мос келади. Агар бизга бунинг уддасидан чиқиш берилса, ушбу сиёсий инкилоб бешафкат бўлади, биз исломдан келадиган хавфни ўзларига қарши бурган холда, юракларининг қок марказига тўғрилаб уни йўқ қиламиз. Кейин эса Туркия ва Арабистонда алоҳида халифалар ўзаро уруш ичида қолади». Натижада, ушбу ўйинга тушиб-қолган Хусайин ибн Али 1916 йил, июл ойларида Усманийларга қарши «Биринчи Араб кўзғолонини» эълон қилиб, октябр ойида Хижозда бир муддат (1916-1924 йилларда) арабларга ўзини: «подшоҳ», деб эълон қилди, лекин уни қолганлар фақат Хижозга подшоҳ, деб билди. Шундай бўлсада, у бу даврининг охирида халифалик мансабига даъвогар бўлади, бироқ унга эришолмайди.

Руслар: Бу ерларга кўз тикмаган эди, бироқ Басфор ва Дарданел - Чанок қалъа сохилларига эгалик қилиши керак эди.

Италия: 1917 йилда, август ойида Туркияга салбий таъсир ўткази олишини кўрсатиб улар ҳам бошқарувга шерик бўладиган эди.

Бироқ, русларга эса янги бошқарув; Болшевиклар қелди - 1918 йил, «октябр» ойидаги инкилобдан кейин Усманийларнинг ерига шерик бўлишдан руслар воз қечиб, бу махфий қелишувга аралашмасдан бундан тўхтади. Шу сабаб, руслар ушбу махфий қелишувни ҳатто оламга қош қилади, натижада бу «Сайкс ва Пико», деб номланган дипломатларнинг қелишуви амалга ошмай қолади бўлади.

- Шундан кейин арабларнинг кўзи сал очилади, ингилизларнинг асл максadini тушуниб етади, мақсад: «Фаластинни олиш ва Усманийларга қарши арабларни қўллаш», эди. Қизил денгиз тарафида 1917 й. Усманийларга қарши кўзғолонда устун қеладилар ҳам. Бу ўйинга тушган Макканинг Шарифи Хусайин ибн Али қанча наомат қилмасин, қеч эди, кейинчалик у алданиб хиёнат ичига қириб қолганидан афсус қилди, лекин ингилизлар уни ҳам ва у билан бирга бу ўйинга аралашган тўрт ўғлини ҳам бошқа араб қавмлари ва етакчилари билан қарама-қарши қилиб ўйиндан қикариб юборади. Шундай бўлсада ўғли Файсал хануз умидвор эди, шунинг учун у 1920 й. Франциядаги «Шимолий тинчлик қелишувига» қориб қатнашади. У ерда сионистлар қатталаридан билан маъқул бўлиб; агар ўзини Амир бўлишига ёрдам берсалар, уларга Зайтун тоғини (яъни Қуддусни) беришга ҳам розилигини қилдиради, яъни Фаластинни. У 1920 й. Сурияга бир муддат Амир бўлади, лекин халқ ингилизларга қарши кўзғолон қилганда, у ҳам у ерни тарқ қилади, кейин эса 1932 й. Ироққа Амир бўлади, лекин Ироқ 1933 й. Ингилизлардан муқлак озод бўлгани учун Файсалнинг амирлиги ҳам ниҳоясига етади. Бу орада қутилмаганда ингилизлар ва сионистлар Хиндистондан туриб Сауд оиласини уларга қарши кўзгади ва Абдулазиз ибн Сауд манипулятсияси билан 1924 йилда ҳамлага журъат қилади, натижада Хусайин ибн Али оиласи билан Маккани ташлаб қетишга рози бўлади, Саудлар эса мамлақатини қуради. Хусайин ибн Али адашган эди, зотан ўзи Усманий султонидан кейин энг қатта мансабда турар эди, яъни Макка Шарифи мансабида эди, лекин унга бу ҳам етмади, ҳа, қатта ҳаттога йўл қўйилди! Унинг фақатгина бир ўғли Абдуллох Урдундаги қиролликни сақлаб қолади, 1946 й. Урдун қироли бўлади, аммо, Файсал, Малик Қозий, Файсал II қабил - шахзодаларидан ўлим ва ўлдирилиш ҳабарлари билан бирма-бир Хошимийлар ниҳоясига етди.

Лекин, кейинчалик «Биринчи Жаҳон» урушидан кейин арабларни мақдат бошқаруви қутар эди, бу режим қучга қириши учун қелишувлар дарров бошланган эди: Усманийлар ҳудудида мақдат режими билан Араб диёрла-рини бошқарувга олиш қабил. Бу 1919 йилда «Легионация» устави билан қучга қирди, бу ҳақида сўнги қарор Сан Ремода 1922 йилда

тасдиқланган:

- «Британия мандат режимида бошқариш учун: Ирок ва Фаластин ерларини олди, Франсузлар Ливан ва Сурияни».

Бу бошқарувлар худуди аввал кучга кирмай қолган «Сайкс ва Пико кели-шувига» кўра тақсимланган, айнан ушбу ҳужжат Усмонийларни йикитиб ва Ўрта Шарқ худудларини тақсимлашга илк бор уринган куч эди. Бу вақтларда 1917 йилларда Месопотамияда араблар кўзголон қилиб Усмо-нийлар бошқарувидан чиқар экан, Усмонийлар Кавказ ерларида русларга енгилиб урушни тўхтатиб рус қўшинини ортга қайтариш учун уларга пул тўлаб урушни тўхтатишга мажбур бўладилар. Хар томонлама ҳамлани қайтариш ва мувозанатни тиклаш осон эмас эди.

Бу тарихий ишларга сабаб бўлган ва у ерлардаги суний равишда кўзгатилган ички низолар чиқиши бахона қилинган эди, худди Ливандаги ички низолар каби. Колаверса, Фаластин бошқаруви катта бир масала ўларок кўндаланг қилинган, чунки насронийлар учун Мукаддас ерни забт қили-ниши ва яхудийлар учун у ерда ватан қилиниши режада турар эди.

Британия ҳукумати: «Фаластин ҳам арабларга, ҳам келажакда келадиган яхудийлар учун тинчлик уйи бўлишини «ваъда» қилган эди», лекин бугунги натижалар эски ваъдаларни қўштирноқ ичида эканини кўрсатди.

Хуллас, ушбу келишувлар ва токи 1947 й. мандат бошқаруви тугагунича унинг орқасидан яна бошқа араб давлатларини вужудга келтирди, Сурия, Ирок, Урдун каби...

Ислом оламида «Сайкс ва Пико келишуви» юз йиллардан бери Ўрта Шарқда мусулмонлар бирлигини бузган бир шум аломат бўлиб қолди, лекин улар учун бу фахр бўлди, ҳозирда ҳам курашдаги фахрий аргумент каторида ёдга олинади.

- Иккинчи: «Сионист яхудийлар Федерацияси» номидан яхудийлар учун барқарор «юрт» излаб турли ҳукуматларга мурожаатда бўлган бир неча йиллик талабларидан кейин уларга Англия ҳукумати эшик очади. 1917 й. 2 ноябрда Англия ташки ишлар вазири Лорд Балфур «декларация» ёзади. Унда Сионист Федерациясининг президенти Лионел Волтер Ротшилдга билдирув очикламасини йўллаган:

«Кадрли Лорд Ротшилд.

Вазирлар маҳкамасига тақдим қилинганди, яхудийларнинг сионистликка бўлган интилишларига хайрихоҳлик ҳақидаги қуйидаги тасдиқланган баёнатни - жаноби олийларининг ҳукумати номидан сизга етказиш ша-рафига муяссар бўлдим:

«Жаноби олийлари: Фаластин ҳукуматида яхудий халқи учун миллий чодир-ўчоқ ташкил этиш масаласини маъқуллаш билан бирга кўриб чиқиб, бу мақсадга етишиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширадиган бўлди; шу билан бирга очик тушунтирди-ки: Фаластинда яхудий бўлмаган мавжуд жамоа-аҳолининг фуқаролик ва диний ҳуқуқларига, ёки яхудийларнинг ҳар-қандай бир мамлакатда фойдаланадиган ҳуқуқлари ва сиёсий мавқеъига зарар берадиган ҳеч қандай ҳаракат қилинмасин».

Агарда сиз ушбу Декларацияни Сионист Федерациясига ҳавола қилсангиз миннатдор бўламан».

Самимий эҳтиром билан: Артур Жеймс Балфур».

Мандатлар даврида ачинарли бир муҳим ходиса Британия Куддусни босиб олади: Эдмонд Алленби 1917 й. 9 декабрда Куддусни забт қилиб, 11-куни Куддусга Яфода дарвозасидан пиёда кириб келган, у яхши кутиб олинган, керакли маросимдан кейин қуйидаги гапларни айтгани нақл қилинади: «Салиб юриши энди тугади!» - деб, то Дамашқдаги Салоҳиддин Айюбийнинг макбараларига бориб, оёғи билан макбарини

тепиб: «Эй Салохиддин, биз келдик», деди. Накадар тарбиясиз жавоб ва номард душман...!!! Зотан, келгиндининг кетиши ҳам бор хали, албатта.

Кизик, 1290 йилда эса ингилизлар ҳам яхудийларни мамлакатидан кувиб чиқарган эди... яъни бир вақтлар яхудийларнинг пулига мухтож бўлмаганларида «антисемитизм актив холида» эди!!!

- Хечдан кўра кеч бўлсада, 2002 йил Британия ташки ишлар вазири Жек Стро журналда куйидагиларни тан олиб айтади: «Кўпинча бугун биз дуч келаётган ишлардан, яъни шахсан ўзим дуч келаётган ишларимдан бири, ўтмишимиздаги колонизация оқибати сабаб бўлмоқда: Балфур Декларацияси ва Исроилга берилган ва махсус йўллар билан Фаластинга ҳам берилган муҳолиф таълимотлар, биз учун яна тарихда кизик асорат қолдирди, лекин оқибат нонкўрлик қилинди».

- Учинчи: Тарихда бир неча урунлардан кейин 1855 йилда Франциялик Фердинанд де Лессепс - Усманий султонидан Суёт каналини қурилиши учун ижозат олади, бунга аввалроқ 1854 йилда Мисрда Саид Поша розилик берган. Ва Африка билан Осиё китъаларидаги юзлаб йиллар давомида қийнаган савдо йўллари муаммосини хал қилиб 1869 йилда Суёт канали тантанали равишда очилади.

Ва ким Суёт каналига эгалик қилса Оврупадаги барча тижоратларга ҳоким бўлар эди, албатта, бундай имкониятни дунёдаги қучли давлатлар қўлдан чиқармас эди, буни эса Англия уддалади, десак тўғри бўлади, тан олишимиз керак, ислом салтанатининг ҳукмронлиги заифлашиб бориб ҳатто XX асрга келганда деярли қучи ва ўрнини тамоман йўқотди ҳам. 1876 йилда Англия эса бу каналга деярли эгалик қилади, чунки улар 47 % акцияга эга эди: 1875 йил Британия ҳукуматининг бош вазирининг қарори билан «Англия Банки» Ротшилдлар оиласидан «пакетга» йиллик 2,50 % даромадга шерик бўлиш қилишуви билан бошқарув пакетини сотиб олиш учун катта маблағ олади...

Маълумки 1922 йил Миср араб давлати Усманийлардан ажраб чиқиб алоҳида бўлиб олган эди. Аслида бу давлат ҳам Британия қалоналаридан бири эди, шунинг учун бундай давлатни қочиришни хоҳламас эдилар, Миср ҳудудида ингилизлар қуроллий қучларини қарорлаштирди, токи Суёт каналига ҳукм қилиш ва бошқа сиёсий қаразлари ва манфаатлари-ни ҳосил қилиш учун, қачонки иш ҳужжатлари юридик қучга қиргандан кейин, яъни мана шундан кейин ингилизлар Мисрдан чиқиб кетишди...

Иккинчи жаҳон уруши якунланишига келамиз, уруш тугар экан, Араб мамлакатлари яхудийлар Фаластинга қелиб давлат қурушларини ҳазм қилолмади: Миср, Урдун, Сурия, Ливан - ушбу давлатлар бир бўлиб, қелгинди «сохта Исроилга» қарши уруш очса ҳам, яхудийлар уларни «6 қунлик», деб ном олган урушда енгиб қўйди. Бунга қуйироқда кейинги қисмда алоҳида тўхталамиз...

Демак! Уруш тугаб-тинчиб турган бир паллада ишлар қизгин ўзгарди, Мисрда ҳолат бошқа эди, 1950 ва 1952 йилларда Мисрда қирол бўлиб Ҳо-руқ I ўтирар эди, лекин ички қорозичилик сабаб, ҳатто унга сиёсий қабҳа-дагилар ҳам қорози эди, шу сабаб «Ёш эркин офицерлар қаракати» давлат тўнтрилиши қилди, 1952 йил, 22-23 июл оқи тунда ҳукуматни қўлга ола-дилар ва сиёсат қайдони ўзгаради, Мисрда эса Қамол Абдуносир давлат бошлиқи бўлди, у бу қамомга ақни С.С.С.Қ.га Никита Қрушёв вақтида қел-ди. Қуллас, қейинчалик С.С.С.Қ. билан Миср ораси илиқлашиб, Исроил билан С.С.С.Қ. ораси эса совуқ қолди, сабаби Сталин даврида яхудийларга қўрсатилган ёрдамларга яхудийлар нонкўрларча «рахмат» айтган...

Мисрда руслардан қуроллар етқазиб қерила бошлади: 150 та Қиг-15 русумли уқок, 300 та Т-34 танка ва ҳоқазо... Руслар ҳам Ўрта шарқ учун Мисрдан сиёсий қаракатини

бошлагандай бўлишди! Бундан «Исроил давлати» хавотирлана бошлади, бош вазир Моше Шарет гарб давлатлари-га ўзларини курул билан таъминлашини талаб қилади, бироқ А.К.Ш. ва Британия ҳам бунга маъкуллик бермайди, шундан кейин бош вазир иш-дан бўшаш қарорини олади, ўрнига эса қари тулки сионист Бен Гурион келди. У маъкул кўрмаганлардан яна сўраниб жавоб олишига ишонмади ва «Исроил давлати» Францияга қайрилди; 1956 йил махфий йўл билан денгиз орқали Франциядан куруллар кела бошлади.

Айни йилларда Миср ҳукумати А.К.Ш. ва Британиядан моддий ёрдам сўрайди, уларга ҳам рад жавоб берилади. Шу сабаб - Миср ҳукумати фожиаи равишда қарор беради: «Суёт канали - Миср халқига миллий-лаштирилсин», деб! Ингилизлар хайрон қолди, шов-шув кўтарилди ва дарҳол (1956 йил, август ойларида) Лондонда «Суёт каналидан» акция-улуши бор давлатлар вакиллари мажлисга тўпланиб бу масалани халқаро дипломатик равишда кўриб чиқишни айтиб: Миср ҳукуматидан яхши-ликча «Суёт каналини» қайтаришни талаб қилади. Миср: Жамол Абду-носир бу ҳақида ҳатто ўйламаслигини билдиради, деб жавоб қайтаради. Шундан кейин А.К.Ш. ва Британия «Исроилга» ўзлари келиб курул билан таъминлашини айтади ва махфий йиғилишларда аллақачон турли вариантларда режалар ҳам тузишга улгурдилар: Исроилликлар Мисрга қарши юриш бошлашини эълон қилган, Британия бош вазири Энтоний Иден огохлантириш бериб: «Миср ва Исроилликлар Суёт каналидан 30 км узокда турсин», деди, табиий-ки Жамол Абдуносир бунга ҳам рад жа-вобини беради, шундан кейин Британия ва Франция исроилликлар та-рафига ўтади, бу хийлакор тактика-услуг янги пайдо бўлган, дейсизми, йўқ албатта, балки Б.М.Т. деган «тинчликпарварликка» масъул бўлган сиёсий ташкилотни гўё алдаб ўтиш учун режа қилинган эди, агар у таш-килот ҳам уларга аллақачон шерик бўлган бўлмаса, албатта!

Ҳаттоки бу иш Миср президентиға суйикасд қилишгача боради; Жамол Абдуносир Кохирада экан, қахва ичиш вақтида унга захарланган қахва тайёрлаб келинади, давлат бошлиғи буни хисс қилгандай шубҳага туша-ди ва унинг хиссиёти адашмаган эди; сокчилар қахвачини ушлаб сўрокка тутганда: «уни бу ишга Британия разветкаси ёллаганини», айтади. Шу фожиадан кейин Жамол Абдуносирга махсус кўрикчилар советдан қел-ган К.Г.Б. ходимларидан хос тайин қилинади, демак, давлат бошлиғини жисмонан йўқ қилиш режаси бекор бўлади. Энди тил бириктирганлар навбатдаги режага ўтиши керак эди...

Яъни 1956 йил, куз ойларида Франциядан Исроилга куруллий қуч ас-қарлари келади, Миср давлатини қалғитиш учун исроилликлар куруллий қучларини Урдун чегараларига ўрнатади, айни йилда 29 октябрда қутил-маган ҳамла билан исроиллик-яхудийлар Мисрға - Сино ярим оролидан бостириб қириб танқалар, ҳарбий учоқлар ва тарихда илк бор ҳавода ҳа-ракатланувчи десантлар юборади, Миср буни гафлат билан қутиб олға-ни учун исроилликлар то Суёт каналига яқинлашгунича деярли мисрлик ҳарбийларни учратмайди, балки тинч ва курулсиз аҳолини қириб бости-риб қириб боради. Шу билан Мисрға Британия огохлантиришни қайта такрорлайди: «Суёт каналидан Миср ҳам, исроилликлар ҳам 30 км узок-ликда туришини айтади», Миср ҳукумати яна рад жавоб бергач, бу сафар Британия ва Франция ўзлари Миср ҳарбий қўнаргаларини учоқ билан яқсон қилади, Миср давлати ҳарбий қучларини ҳаракатга қелтириш эмас, балки уларни бутунлай йўқотган эди, ингилизлар Суёт каналига яқин бўлган «Порт Саъидга» ҳаво десантлари билан қелиб Суёт каналидан мисрлик кўрикчиларни қайдайди, мисрликлар ҳеч нарса қилолмай қа-налдан қикиб қетишга мажбур бўладилар, чунки Миср армияси

вужуди-ни йўкотган эди, Жамол Абдуносир эса ёка тишлаб колди!
Лекин сиёсат хали тугамаган эди, орага бирдан «тинчликпарвар» ташкилот Б.М.Т. киради, нима учун? - дейилса: уруш бошланганини аниклаш учун? - кизик! Мисрга хамла килган уч давлатдан бунга тушунтириш сўраганда; улар ўринли жавоб беролмайдилар! Бу иш С.С.С.Р. ҳукумати-ни ҳам безовта килади, хатто А.К.Ш.ни ҳам: нега уч дўстимиз тўртинчи дўстимизга хамла килади? - деб бу ишни коралагандай бўлди...
Накадар катта макр билан нутк сўзлаш!!!
Суёт каналининг тинчлигини Б.М.Т. ўз зиммасига олади, исроилликлар-яхудийлар Миср ерларидан ўзининг чегарисига А.К.Ш. ва С.С.С.Р. боси-ми билан норози ҳолатда қайтиб кетади, бироқ босиб олинган Сино ярим ороли кечроқ 1979 йилда қайтариб берилади. Лекин бу сафар А.К.Ш. ва Британия Исроил билан калин ва давомий муомалалар қилиш мумкин-лигини тушуниб етади ва ҳар томонламан ҳамкорликка дадил қадамлар ташланади. Сабаб Суёт каналини химояси учун қўлланиши мумкин бўл-ган дўстларини топишганига ишонишди! Кейинчалик тиниб-тинчигач Б.М.Т. Суёт каналини эгаларига яъни акция соҳибларига халқаро конун ечими доирасида топширади.

"ФАЛАСТИН ўтмиш ва келажак" китобидан